

Тафтиш маҳкамалари касофати



Тафтиш маҳкамалари касофати

Алданиб қолманг

15:43 / 09 ноябрь 992

Тафтиш маҳкамалари касофати туфайли Европаликлар, хусусан, илмли тоифалар черковдан яна ҳам қаттиқроқ нафратландилар ва ундан янада узоқлашдилар. Охири бу кураш черковнинг мағлубияти ва Худосизликка асосланган илм-фаннинг ғалабаси билан тугади. Шунинг учун ҳам энг катта нобакор Дарвин тафтиш маҳкамасига тортилмай қолди.

Бундай ҳолатнинг вужудга келиши черков душманларни қутиртириб юборди. Энди улар черковга қарши гапларни оғзига келганини бўғзига ютмай гапирадиган даражага келдилар. Уларнинг номидан Фридрих Ницше ўзининг «Зардўшт таваллоси» номли сафсатасида қуйидагиларни ёзди:

«Бир пайтлар Худога шак келтириш энг катта гуноҳ бўлган; аммо Худо ўлди ва у билан ўша шаккоқлар ҳам ўлди...

«Ҳамма Худолар ўлди; энди фавқулбашар яшашини истаймиз» – буюк чошгоҳ пайтидаги бизнинг энг сўнги истагимиз шундай бўлсин!»

Ницшенинг «Худо ўлди» (нем. Gott ist tot) деган ибораси 1881-1882 йилларда ёзилган «Қувноқ фан» китобида келтирилган. Бу ибора постмодернизм фалсафасининг метафораси - Худонинг ўлими - билан боғлиқ. [1]

Худо ўлди: аммо инсон табиати шундай, балки, яна минг йиллар давомида унинг сояси намойиш этиладиган ғорлар мавжуд бўлар. – Ва биз – биз унинг соясини ҳам мағлуб этишимиз лозим бўлади!

Худо ўлди! Худо қайта тирилмайди! Ва биз уни ўлдирдик! Қотиллар ичида қотилмиз, ўзимизни қандай юпатайлик! Дунёда бўлиши мумкин бўлган энг муқаддас ва қудратли Зот бизнинг тиғларимиз туфайли қонга беланди – ким бизлардан бу қонни юва олади?

Сўнгги воқеаларнинг энг буюги – «Худо ўлгани» ва христианлик Худосига бўлган эътиқод инонилмас даражада сусайгани, Европага ўзининг илк сояларини ташлашни бошлади.

Уйғониш даври – қоронғу йўл поёнидаги нур ёки жаҳаннам йўлининг бошланиши?»

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.